Биография

Сиддиқ Фузаилов



Сиддиқ Фузаилов 1927 йилда Тошкентда туғилди. 1942 йилгача шаҳардаги 76- мактабда ўқиб, сўнгра Тошкент облОНОси қошидаги муаллимлар тайёрлов курсини тугатди. 1943—48 йилларда Ўрта Осиё Давлат университети (ҳозирги ЎзМУ)нинг филология факультетида, 1948—51 йилларда аспирантурада, 1953 йилда Москва Давлат университети қошидаги бир йиллик диссертантлар тайёрлов курсида ўқиди ва шу йили проф. В. М. Насилов раҳбарлигида «Ҳозирги замон ўзбек тилида равиш» мавзусида кандидатлик диссертацияси ёқлади.

Олим 1949 йилдан университет филология факультетида ҳозирги замон ўзбек тили курсидан дарс бериб келган. У 1957—61 йилларда филология факультетининг декани бўлиб ишлади. 1958 йилда доцентлик унвонини олди; ҳозир у шу университет проректори лавозимида хизмат қилган.

С. Фузаилов умумий ҳажми 40 босма лист атрофида бўлган бир неча дарслик ва мақолалар эълон қилган. Сўнгги йилларда у «Ҳозирги замон ўзбек тилида модаллик категорияси» мавзусида илмий тадқиқот олиб борган.

Олим қатор дарслик, монография ва қўлланмаларга муҳаррирлик қам қилган (О. Шарафуддиновнинг «Алифбе»си, И. А. Киссен ва Ш. Раҳматуллаевларнинг «Узбекский язык» китоби, М. Шамснинг 1—4- синфлар учун «Ўзбек тили дарслиги», А. К. Боровков, З. Маъруфов, Т. Шермуҳамедов ва Й. Абдуллаевларнинг «Ўзбек тили дарслиги», А. Ғуломов ва М. Асқароваларнинг «Ҳозирги замон ўзбек тили» китоби ва ҳоказолар шулар жумласидандир).

Асарлари:

1950 Ўзбек тили дарслиги. (М. Шамс билан ҳамкорликда), Тошкент.

1952 О наречии в современном узбекском языке. «Труды Средне-азиатского гос. университета», Серия филологическая, Ташкент.

1953 Ўзбек тилида равишлар. Тошкент.
Ўзбек тили дарслиги (2-синф учун), Тошкент.

1956 Сифат билан равишнинг сўз туркуми сифатида ўзаро муносабати ва фарқи. «Совет мактаби» журнали, 1-сон, Тошкент.

1957 Ўзбек тилида равиш ясалиши. Ўрта Осиё Давлат университети илмий асарлари, 54- чиқиши.
Ўзбек мактабларининг I—IV синфлари учун орфография ва грамматикадан таблицалар. Тошкент.
Равиш. «Ҳозирги замон ўзбек тили», 1-китоб, Тошкент.

1964 Азалий (туб) равишлар ҳақида. ТошДУ илмий асарлари, 260, Тошкент.

Copyright © 2022
All Rights Reserved.